2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 225 (1286), 2024 йил 6 ноябрь, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИШКЕККА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев амалий ташриф билан Қирғизистонга келди.

“Манас” халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси Ақилбек Жапаров ва бошқа расмийлар кутиб олди.

Ташриф доирасида 6 ноябрь куни давлатимиз раҳбари Туркий давлатлар ташкилотининг навбатдаги саммитида иштирок этади.

Саммит кун тартибидан ташкилот доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари ўрин олган. Ҳар доимгидек, сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш, ишбилармонлик алоқаларини рағбатлантириш, маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш вазифалари эътибор марказида бўлади.

Етакчилар халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Йиғилиш якунида қатор қўшма қарор ва ҳужжатлар, жумладан, мамлакатимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Туркий дунё Хартияси қабул қилиниши кўзда тутилган.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ: ЯГОНА ЎТМИШ ВА УМУМИЙ КЕЛАЖАК

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 5 ноябрь кун Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) саммити тадбирларида иштирок этиш учун Бишкек шаҳрига ташриф буюрди.

Туркий давлатлар ташкилотига бешта давлат — Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия ва Ўзбекистон аъзо. Венгрия, Туркманистон ва Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ушбу тузилмада кузатувчи мақомига эга.

“Туркий давлатлар ташкилоти бугунги кунда шаклланаётган янги дунё тартиботи ва халқаро институтлар тизимида ўзига хос муҳим ўринга эга бўлиб бормоқда, — деди Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўтган йили Остона шаҳрида ТДТ саммитидаги нутқида. — 175 миллион аҳолини қамраб олган ташкилотимиз ҳудуди катта иқтисодий имкониятлар макони ҳамдир. Бизнинг мамлакатимиз ташкилотнинг барча аъзолари билан стратегик шериклик алоқалари ўрнатганини катта мамнуният билан айтиб ўтмоқчиман”.

Давоми 2-бетда

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ БОЛАЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА ОИЛАГА ЯҚИН МУҲИТДА ҒАМХЎРЛИК КЎРСАТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 5 ноябрь куни ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни тарбиялаш, ногиронлиги бўлган шахсларни спортга жалб этишга оид таклифлар тақдимоти билан танишди.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда оила муҳитида камол топиш фарзанднинг узвий ҳуқуқи эканлиги белгиланган. ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, дунёда етим болаларнинг ярми ижтимоий ҳимоя хизматлари билан қамраб олинмаган.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 23 сентябрдаги фармони билан қабул қилинган “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурида ижтимоий етимликнинг олдини олиш, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга индивидуал ёндашув асосида оилага яқин муҳитда ғамхўрлик кўрсатиш ҳамда тарбиялаш вазифалари ҳам белгиланган.

Шунга мувофиқ, бундай болаларни тарбияга бериш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Жумладан, болани тарбияга беришда оила муҳитини сақлаб қолишга устуворлик берилади. Бунда аввало васийлик, ҳомийлик ёки фарзандликка бериш қўллаб-қувватланади. Ихтисослаштирилган муассасага энг сўнгги чора сифатида жойлаштирилади.

Фарзандларни оиланинг камбағаллиги туфайли Меҳрибонлик ва Болалар уйларига жойлаштириш амалиёти бекор қилинади. Камбағал оила вакиллари ишга жойлашган тақдирда, боласи уч ёшга тўлгунча боғча харажатлари учун Ижтимоий ҳимоя жамғармасидан компенсация берилади.

Болалар уйларида “Оналар маскани” ташкил этилиб, унда боласидан воз кечмоқчи бўлган оналар жойлаштирилади. Уларга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ва тиббий хизматлар кўрсатилади, оналик кўникмалари ўргатилади ҳамда касб эгаллашига кўмаклашилади.

Бу каби хизматларни ташкил килишда нодавлат ташкилотлари ҳам кенг жалб қилинади.

Оғир ҳаётий вазиятга тушган болалар тарбияга берилгунига қадар “Инсон” маркази томонидан оилавий болалар уйига жойлаштирилади. Тарбияга бериладиган болалар учун индивидуал ривожланиш режаси ишлаб чиқилади.

Етим болаларни аниқлаш, уларни тарбияга олиш истагини билдирган шахслар маълумоти “Ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимида юритилади. “Инсон” марказлари болаларнинг қонуний вакили этиб белгиланади ҳамда ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади.

Шунингдек, бу марказлар тарбияга берилган болаларнинг турмуш шароитини, ёрдамларнинг мақсадли ишлатилишини ва тарбияга олган шахслар мажбуриятларини мониторинг қилиб боради.

Оилавий болалар уйини ташкил этган фуқаролар ўзини ўзи банд қилган шахслар сифатида белгиланади. Тутинган оилаларда тарбияланаётган болаларга умумий ўрта ва ўрта махсус таълимни тугатгунича яшаш ва парваришлаш харажатлари тўланади.

Ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, шу соҳада яна бир ҳужжат — “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тўғрисида” қонун маъқулланган. Унда бу борадаги ҳуқуқий асослар мустаҳкамланиб, болаларни зўравонликдан ҳимоя қилувчи давлат органлари ҳамда уларнинг ваколатлари аниқ белгиланган. Президентимиз ушбу қонунни имзолади.

Тақдимотда ногиронлиги бўлган шахсларни спортга жалб этишга қаратилган таклифлар ҳам кўриб чиқилди.

Юртимизда 19 та параспорт тури билан шуғулланишга шароит яратилган. 25 минг нафар ногиронлиги бўлган шахслар спорт билан шуғулланиб келмоқда.

Бу борадаги имкониятларни кенгайтириш мақсадида қатор чора-тадбирлар кўзда тутилмоқда. Хусусан, давлат спорт мактабларида адаптив спорт бўйича гуруҳлар ташкил этиш, маҳаллалардаги майдончаларни ногиронлиги бўлган шахсларга ҳам мослаштириш таклиф этилмоқда.

“ERP-sport” электрон тизимида ногиронлиги бўлган шахсларнинг алоҳида ҳисобини юритиш орқали уларнинг имкониятига мос спорт турлари автоматик аниқланади.

Реабилитация марказларида жисмоний терапия, механотерапия, физиотерапия каби замонавий реабилитация усулларини қўллаш кенгайтирилади.

Адаптив жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини тайёрлашга ҳам эътибор кучайтирилади. Бу йўналишда халқаро мусобақаларда ғолиб бўлганлар ҳамда уларнинг мураббийларини моддий рағбатлантириш тизими жорий қилинади.

Давлатимиз раҳбари бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга қулайликлар яратиш бўйича кўрсатмалар берди.

ЎзА

Янги Ўзбекистон руҳи

БУЮК ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДАГИ УЛКАН ҚАДАМЛАР

Мамлакатимизда Конституциямизнинг 32 йиллигини муносиб кутиб олиш ва кенг нишонлаш учун қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 17 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги фармойиши билан тасдиқланган дастурга биноан мазкур йўналишда амалга оширилаётган ранг-баранг тадбирларда “Конституция — эркин ва фаровон ҳаёт гарови!” деган бош ғоя ўз инъикосини топмоқда.



“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган юксак самарали ёндашув доирасида бошқарув тузилмаларини модернизация қилиш ҳамда демократик жараёнларда аҳолининг фаол иштирокини таъминлашга қаратилган кенг кўламли сиёсий ва конституциявий ислоҳотлар амалга оширилиб, туб ўзгаришлар йўлига дадил қадам қўйилди.

Халқимизнинг бевосита иштирокида ҳар томонлама пишиқ-пухта ўйланган ва умумэътироф этилган халқаро демократик стандартлар талабларига тўлиқ жавоб берадиган Бош қонунимизнинг янгиланиши нафақат халқимиз ҳаётидаги улкан сиёсий, ижтимоий-ҳуқуқий воқеа, балки йирик оламшумул ҳодисадир.

27 октябрь куни бўлиб ўтган муҳим сиёсий воқеа — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий вакиллик органларига сайлов янги Ўзбекистонда муҳим конституциявий ислоҳотлардан сўнг давом этаётган улкан ўзгаришларда алоҳида аҳамиятга эга.

Сайловнинг “Менинг танловим — обод Ватаним!” шиори остида ўтказилганида ҳам улкан маъно бор. Бу шиор ғоявий кураш ва кучли рақобат муҳитида барча фуқароларни бирлаштирувчи байроқ сифатида муҳим аҳамият касб этди.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Э.О.ТУРДИМОВНИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ **Эркинжон Оқбутаевич Турдимов** Самарқанд вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 5 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Ж.Р.РАХИМОВНИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ **Жўрабек Рахимович Рахимов** Хоразм вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 5 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Э.А.САЛИЕВНИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ **Эргаш Алибекович Салиев** Жиззах вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 5 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Н.Т.ТУРСУНОВНИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ **Нормат Тулкунович Турсунов** Навоий вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 5 ноябрь

Долзарб мавзу

АХЛОҚ ИШЛАШИ КЕРАК

Ёшларнинг хавфсиз меҳнат қилиш ҳуқуқи қай даражада ҳимояланган?

Баъзан кичик нарсалар катта йўлларни тўсиб қўяди. Гоҳида арзимас туйилган ҳодиса инсон тақдирини ўзгартириб юбориши мумкин. Жамиятдаги эътиборсиз айрим ҳолатлар эса йиллар ўтиши билан қайғули кўриниш олиши ҳам бор гап. Хуллас, ҳеч бир қисмат сабабсиз ва асоссиз бўлмайди. Бу ўринда гап инсон тақдири, тараққиётга ғов бўлаётган қусурлар ҳақида экан, анчадан буён бизни зимдан безовта қилиб келаётган битта муаммо — иш берувчилар ва ёлланма ишчилар ўртасидаги муносабат борасидаги мулоҳазаларимизни айтишга қарор қилдик. Бунга тарих фанлари доктори, профессор Абдухалил Мавруловнинг “Янги Ўзбекистон” газетасида (2024 йил 15 октябрь, 208-сон) чоп этилган “Ахлоқсизлик “янги ахлоқ”ми?” сарлавҳали мақоласи туртки бўлди.

Муаллиф ёзади: **“Ҳақиқат шундай: миллий қадрияти бой, азалдан тарбия масаласига, ёшлар келажагига алоҳида аҳамият берган халқларда ахлоқ давлат қабул қилган қонунлардан ҳам устувор аҳамиятга эга бўлади. Шу маънода, агар биз қонун устуворлигини ахлоқий меъёрлар устуворлиги билан уйғунлаштира олсак, жамиятни том маънода маънавий-мафкуравий барқарорлаштиришга эришамиз”.**

Тараққиётга дахлдор бу фикрларнинг биз кўтарган масала билан туташ нуқтаси эса ҳали олдинда.

Давоми 5-бетда

Туркий давлатлар ташкилотининг асосий мақсади қардош давлатлар ўртасидаги ўзаро ишонч ва кўп қиррали алоқаларни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, энергетика, туризм, транспорт, маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришдан иборат.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2024 йил 6 ноябрь, 225-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ: ЯГОНА ЎТМИШ ВА УМУМИЙ КЕЛАЖАК

Бошланиши 1-бетда

Туркий давлатлар ташкилотининг амалдаги номи Ўзбекистон Президенти таклифи билан 2021 йил 12 ноябрда татбиқ этилган. Бундан аввал эса тузилма Туркий давлатлар ҳамкорлик кенгаши номи билан юритилган.

Бугунги кунда ТДТ барча устувор йўналишларда амалий ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи самарали халқаро тузилмага айланди. Ташкилот давлатларининг умумий ялпи ички маҳсулоти 1,6 триллион долларни ташкил этади ва 2024 йил охирига келиб, 1,9 триллион долларга етиши кутилмоқда.

Туркий давлатлар ташкилотининг асосий мақсади қардош давлатлар ўртасидаги ўзаро ишонч ва кўп қиррали алоқаларни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, энергетика, туризм, транспорт, маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришдан иборат.

Ушбу мақсадни илгари суришнинг концептуал асоси 2021 йилнинг ноябрь ойида Истанбул шаҳрида давлат раҳбарларининг 8-саммити якунлари бўйича қабул қилинган “Туркий нигоҳ — 2040” концептуал дастуридир.

Аъзо давлатлар ўз олдига ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, ўзаро муносабатларни муҳокама қилиш ва чуқурлаштириш учун платформа яратиш, ўзаро ишонч, дўстлик, яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш, шунингдек, минтақада ва бутун дунёда барқарорлик ҳамда хавфсизликни таъминлаш вазифаларини қўйган. Шунингдек, ташкилотга аъзо давлатлар умумий манфаатларга эга бўлган ташқи сиёсат масалалари бўйича, жумладан, халқаро ташкилотлар ва форумлар доирасида келишилган позицияларни ишлаб чиқишдан манфаатдор. Минтақавий ва икки томонлама ҳамкорликни барча йўналишларда рағбатлантириш, савдо ва инвестициялар учун қулай шарт-шароит яратиш, товарлар, капитал, хизматлар, технологияларнинг эркин ҳаракатланиши ва молия-банк операцияларини соддалаштириш, ҳар томонлама ва мувозанатли иқтисодий ўсиш, ижтимоий ва маданий ривожланишга йўналтирилган биргаликдаги саъй-ҳаракатлар муҳим мақсадлардир.

2019 йилда Туркий давлатлар ташкилотига қўшилган Ўзбекистон учун ушбу тузилмада иштирок этиш нафақат иқтисодий ва сиёсий алоқаларни мустаҳкамлаш, балки туркий дунёнинг умумий маданий ўзига хослигини сақлаш ва ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Ўзбекистон ижтимоий лойиҳаларни илгари суришда ташаббускорлик кўрсатмоқда ва умумий меросни асраб-авайлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш дастурларини амалга оширишда ўзини асосий шерик сифатида намоён этмоқда.

2022-2023 йилларда Ўзбекистон Туркий давлатлар ташкилотига раислик қилди. Раислик бошланиши 2022 йилнинг ноябрь ойида “Туркий цивилизациянинг янги даври: умумий тараққиёт ва фаровонлик сари” шиори остида ташкил этилган Самарқанд саммити билан белгиланди.

Ўзбекистон раислиги даврида 100 дан ортиқ тадбир ўтказилди, амалий ҳамкорлик учун қатор янги платформалар яратилди. Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилоти, Коинот тадқиқотлари академияси, География кенгаш, Қурғоқчиликнинг олдини олиш институти, Нотариуслар иттифоқи каби тузилмалар фаолият кўрсата бошлади. Бир қатор нуфузли глобал ва минтақавий тузилмалар — БМТ ва унинг ихтисослаштирилган институтлари, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти билан яқин муносабатлар йўлга қўйилди. Ўзбекистон ўз раислиги даврида очиқлик, инклюзивликка асосланган ҳамда турли минтақалар ва цивилизацияларни ўз ичига олувчи ҳамкорликнинг хилма-хил ва мослашувчан шаклларига интилди.

Самарқанд саммити якунлари бўйича Туркий давлатлар ташкилотининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилиниши муҳим воқеа сифатида эътироф этилди. Ушбу ҳужжат туркий мамлакатларнинг “Туркий нигоҳ — 2040” концепциясини амалга ошириш бўйича биринчи “йўл харитаси” бўлди.



2019 йилда Туркий давлатлар ташкилотига қўшилган Ўзбекистон учун ушбу тузилмада иштирок этиш нафақат иқтисодий ва сиёсий алоқаларни мустаҳкамлаш, балки туркий дунёнинг умумий маданий ўзига хослигини сақлаш ва ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Ўзбекистон ижтимоий лойиҳаларни илгари суришда ташаббускорлик кўрсатмоқда ва умумий меросни асраб-авайлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш дастурларини амалга оширишда ўзини асосий шерик сифатида намоён этмоқда.

ТДТнинг 2023 йил 3 ноябрь куни Остона шаҳрида бўлиб ўтган саммитида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев туркий халқлар оиласи бирлигини мустаҳкамлашга, туркий мамлакатларнинг манфаатлари ва қарашларини халқаро майдонда фаол илгари суришга қўшган улкан ҳиссаси учун юксак мукофот — “Туркий дунёнинг олий ордени” билан тақдирланди.

“Бу мукофотни мен биринчи навбатда чинакам биродарлик ришталари асосида янгидан юксалаётган яқин дўстлигимиз ва ҳамкорлигимиз рамзи деб биламан”, — деди маросимда давлатимиз раҳбари ҳамкасбларига миннатдорлик билдириб.

Ўзбекистон ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш бўйича самарали ташаббусларни илгари суриб, фаол позицияни эгаллашда давом этмоқда. Бугунги кунга қадар давлатимиз раҳбари томонидан ТДТ саммитларида илгари сурилган 60 дан ортиқ ташаббус ҳаётга татбиқ этилди ва амалга оширилиш жараёнида.

Мамлакатимиз маданий-тарихий меросни асраб-авайлаш ва оммалаштириш, Марказий Осиёни Европа ва бошқа минтақалар билан боғловчи янги савдо ва транспорт йўналишларини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларда фаол иштирок этмоқда. Таълим соҳасида Ўзбекистон талабалар ва тадқиқотчилар алмашинув дастурларида фаол қатнашиб, туркий мамлакатлар университетлари ва илмий марказлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қиляпти. Таълим соҳасидаги ҳамкорлик, жумладан, қўшма таълим дастурлари ва тажриба алмашиш учун академик платформалар яратиш фаол қўллаб-қувватланаётир. Ўзбекистон ташаббусларининг муҳим жиҳати ҳам энергетика ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқишдир.

Бугунги кунда мамлакатимиз ташкилотнинг молиявий механизмларини, хусусан, жорий йилда ўз фаолиятини бошлаган ТДТ инвестиция жамғармасини мустаҳкамлаш, шунингдек, Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан ташкилотнинг Тараққиёт банкини тезроқ ишга тушириш тарафдори.

Ўзбекистоннинг ТДТга аъзо давлатлар ва кузатувчилари билан икки томонлама ҳамкорлиги ҳам ижобий динамика билан тавсифланади.

Ўзбекистон Туркий давлатлар ташкилотининг барча давлатлари билан муносабатларини, хусусан, Туркманистон ва Венгрия билан стратегик шериклик, Туркия ва Қирғизистон билан ҳар томонлама стратегик шериклик ҳамда Қозоғистон ва Озарбайжон билан иттифоқчилик даражасига кўтарди.

Инвестициявий ҳамкорлик кўлами ҳам изчил ошиб бормоқда. 2017-2022 йилларда ТДТ мамлакатлари Ўзбекистон иқтисодиётига 4 миллиард доллардан ортиқ инвестиция киритди, бу белгиланган даврдаги умумий хорижий инвестициялар ҳажмининг 8 фоизини ташкил этади.

Мухтасар айтганда, Туркий давлатлар ташкилотининг Бишкек шаҳрида бўлиб ўтадиган саммити Ўзбекистоннинг тузилма салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича янги ташаббусларини илгари суриш учун муҳим майдон бўлиб хизмат қилади. Саммит натижалари эса шубҳасиз, туркий халқлар фаровонлиги ва тараққиёти йўлида кўп томонлама муносабатларни янги мазмун билан бойитади.

“Дунё” АА

Муносабат

Мамлакатимиз иқтисодиётини ресурслар билан таъминлашда геология соҳаси стратегик аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда бу соҳага йилига 1 триллион сўм ажратилиб, зарур шароит яратилмоқда. Бунинг натижасида 31 минг квадрат километр янги ҳудудлар ўрганилди.

ЕР ҚАЪРИДАН ФОЙДАЛАНИШДАГИ ЯНГИЧА ТАРТИБ

ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТНИ САҚЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Хусусий сектор учун яратилган шароитлар эвазига норуда конларга инвесторлар жалб қилинмоқда. Бугун соҳада 1 миллиард 700 миллион долларлик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Лекин ҳали фойдаланилмаган имконият кўп. Конларни ўзлаштириш кўламини кенгайтириш зарур. Бу борада амалий ишлар билан бирга соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш куннинг долзарб вазифаларидан.

Жорий йил 31 октябрда Президентимиз имзолаган “Ер қаъри тўғрисида”ги қонун бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Қонунда ер ости бойликларига эгалик қилиш ва уларни тасарруф этиш, шунингдек, ер қаъридан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш чоғида юзага келадиган муносабатлар тартибга солиниши борасида янгича тамойиллар ўз ифодасини топган. Хусусан, қонунда қўлланадиган асосий тушунчалар кенгайтирилди. Фойдали қазилмаларнинг таснифи, яъни асосий ва норуда фойдали қазилмалар, уларнинг таркиби янада аниқлаштирилди.

Маъмурий ислоҳотлар доирасида ер қаъридан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш жабҳасидаги давлат органларига ойдинлик киритилиб, ваколати аниқ белгилаб берилди. Қонунга кўра, ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномалар бериш, ҳисоботларни қабул қилиш ва бошқа давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида “ягона дарча” принципи жорий этилди.

— Қонунда соҳага инвестицияларни жалб этишни такомиллаштириш мақсадида жаҳон тажрибаси асосида муайян нормалар батафсил тушунтириб берилди, — деди “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ бошқаруви раиси, бош директори Қувондиқ Санақулов. — Жумладан, инвестиция жозибадорлигини кескин ошириш мақсадида давлат органи назорати остида ер қаъридан фойдаланиш рухсатномасини лицензиат томонидан тасарруф этиш, яъни сотиш, гаровга қўйиш ёки бошқа шахсларга ўтказиш каби механизмлар жорий этилди. Юниор компаниялар учун рекогносцировка қилиш ёки содда қилиб айтганда, дастлабки геологик ўрганиш босқичи нормалари алоҳида ажратиб кўрсатилди.

Геологик ахборотга бўлган мулк ҳуқуқи, инвесторлар томонидан уни алмашиш ва реализация қилиш нормалари такомиллаштирилди. Ер қаъри давлат фонди кадастр тизими янада такомиллаштирилиб, углеводород кадастри жорий этилди. Шунингдек, халқаро амалиётга мос равишда кадастр квадрати тушунчаси киритилди.

Қонунда ер қаъридан фойдаланиш шароитлари бўйича баъзи фойдали қазилмаларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда углеводородлар йўналиши кескин кучайтирилиб, халқаро амалиётдаги замонавий нормалар билан батафсил тўлдирилди. Жумладан, углеводород захираларини аниқлаш ва ўзлаштиришга йирик инвестициялар киритишни жадаллаштириш учун олдиндан дастлабки ўрганиш, яъни рекогносцировка қилиш (аэрокосмик ва геофизика тадқиқотлари) ишларига алоҳида қулай механизмда рухсатнома бериш тартиби белгиланди. Углеводородлар рекогносцировкаси, геологик жиҳатдан ўрганиш ва қазиб олиш нормалари алоҳида моддаларда акс эттирилди.



Шу билан бирга, қонунда норуда хомашё конларини қидириб топиш ва ўзлаштиришга оид нормалар кучайтирилди. Жумладан, норуда қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганиш ва қазиб олиш учун рухсатномалар расмийлаштиришнинг аниқ тартиби белгиланди. Ер қаъридан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, даврий ва якуний ҳисоботларни тақдим қилиш, қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганиш ҳамда қазиб олишнинг йиллик минимал харажати акс эттирилди. Ер қаъридан барқарор фойдаланиш тамойили киритилиб, оқилона ишлатиш талаблари ер қаъридан фойдаланувчиларнинг мажбурияти сифатида белгиланди.



Экология ва атроф-муҳитни келгусида кафолатли асраш мақсадида ер қаъридан фойдаланишда экологик хавфсизликни таъминлаш қоидалари назарда тутилди. Хусусан, ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини бартараф этишнинг талаб ва механизмлари аниқ белгиланди. Жумладан, дастлабки фаолиятдан бошлаб рекультивация фондини ташкил қилишнинг мезон ва мажбуриятлари жорий этилди. Махсус ажратмалар фонди ер қаъридан фойдаланувчи томонидан банк гарови сифатида келгусида оқибатларни бартараф этиш ҳамда ер участкасини тиклаш мақсадида ташкил қилинади.

Кон-геология ишларини халқаро стандартларда экология ва саноат хавфсизлиги талабларига мувофиқ равишда амалга ошириш нормалари такомиллаштирилди. Қонунда назарда тутилган халқаро амалиётга мос янги нормаларни амалдаги ер қаъридан фойдаланувчилар фаолиятига зиён келтирмаган ҳолда босқичма-босқич жорий этиш назарда тутилган. Бу жараёнда кадастр квадрати тизимини жорий этиш муддати, амалдаги ер қаъридан фойдаланувчиларнинг ер қаъри участкаларини янги тизимга мослаштириш муддати ва мезонлари, минимал талабларнинг бошланғич муддати каби ўтиш даври қоидалари кучайтирилди.

Қонунда белгиланган тамойилларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ер ости бойликларини геологик жиҳатдан чуқур ўрганиш, улардан фойдаланиш ва муҳофаза этишни замонавий стандартлар асосида самарали ва тизимли йўлга қўйишга замин яратади. Шу билан бирга, соҳага маҳаллий ва хорижий инвестициялар киритишни жадаллаштириш ҳисобига мавжуд хомашё негизида замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ишга солиш, олис ҳудудларда барқарор янги иш ўринлари яратиш ҳамда иқтисодиёт учун солиқ базасини кенгайтириш ва ташқи бозорларда рақобатбардошликни оширишга хизмат қилади.

Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан 3 ой ўтгач, кучга киради.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Яшил макон

ДАРАХТЛАРНИ НОМИГА ЭМАС, ТАБИАТ МУВОЗАНАТИ УЧУН ЭКИШИМИЗ ЗАРУР

Ўтган йили қиш кунларининг бирида оиламиз даврасида бурунги ёз-қиш қандай келгани ҳақида сўз очилиб, невараларимдан бири қизиқсиниб сўраб қолди:
— Бобо, биз эсимизни таниганимиздан бери қишнинг бунчалик совуқ келишини кўрмаган эдик. Илгари ҳам мана шундай аномал об-ҳаво бўлиб турармиди?
— Ҳа, албатта. Лекин бундан 30-35 йиллар бурун ҳар қайси фасл ўз ўрнида келарди. Қишда ҳафта сайин қор ёғиши, ҳавонинг совуқлиги ҳам шунга яраша бўлиши, куралган қор уюми том баробар кўтарилиши одатий ҳол эди. Буни ҳеч ким ҳозиргидай аномал иқлим сифатида баҳоламасди. Энди-чи? Энди эса ёзни деярли қолган уч фаслда ҳам кузатадиган бўлиб қолдик. Янги йилда паға-паға қор ёғиши эса анқонинг уруғи мисол ноёб ҳодисага айланди.

Неварам яна савол беришдан ўзини тиёлмади:

— Нега шундай бўляпти?

Бу саволнинг жавобини ҳар ким ўз билганича изоҳлаши табиий. Мен ҳам ҳаётий тажрибам ва эшитганларимга таянган ҳолда жавоб бердим.

Фан-техника тараққиёти одамлар оғирини енгил қилгани ва фаровонлигини оширгани бор гап. Саноат ривожланиши билан бирга, истаймизми-йўқми, табиатнинг озор чекиши ҳам ортаверади. Дунё миқёсида қазилма бойликлар қазиб олиниши, нефть, кўмир ва бошқа ёқилғиларнинг узлуксиз ёқилиши ҳисобига ҳар йили атмосферага миллионлаб тонна чиқинди чиқарилади. Устига-устак, саноат корхоналари мўриларидан атмосферага турли зарарли газ, чанг ва аэрозолларнинг мунтазам чиқиб туриши иқлим ўзгаришининг асосий омили бўлиб келяпти. Инсоният, умуман, тирик мавжудот ҳаёти учун хавфли экологик вазият юзага келиши мумкин.

Мана шундай салбий ҳолатни имкон қадар бартараф этишда кўкариб турган ҳар бир ўт-ўлан, бута ва дарахт бизга яқин кўмакчи, беминнат дастёр. Демак, дарахтлар қанча кўпайса-да, асло ортиқчалик қилмайди.

Соҳа мутахассисларининг ҳисоб-китобига кўра, бир гектар майдондаги дарахтзор бир кеча-кундузда 220-275 килогача карбонат ангидрид ютиб, 180-215 кило кислород ажратади.

Энг кўп кислородни қайрағоч (гектарига 6-7 тонна) ва арча (гектарига 6 тоннагача) ишлаб чиқаради. Бир йилда ўрта ёшли (60 йиллик) ўрмон ўртача 14,4 тонна карбонат ангидрид ютиб, 10,9 тонна кислород билан таъминлайди. 1 гектар экинзор бир соатда 200 одам чиқарган карбонат ангидридни ютади. Бир кишининг йиллик кислородга эҳтиёжини 0,1-0,3 гектар ўрмон қоплай олади. Битта катта дарахт бир кишига етарли кислород ажратади.

Шунинг учун ҳам одамзод дарахтзор қўйнида, айниқса, арчазор бағрида ҳавонинг мусаффолигидан ҳузурланади, тўйиб-тўйиб нафас олади, чарчоғини унутади ва ўзини қушдай енгил ҳис қилади. Шу сабабли дарахтларни “бебаҳо яшил бойлик” деб атаймиз. Бунинг учун бу неъматни кўпайтиришимиз зарурлигини ҳар биримиз юракдан сезишимиз ва буни виждон амри деб қабул қилишимиз керак.

2021 йилнинг кеч кузида мамлакатимизда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасига старт берилган эди. Ўшанда 200 миллион туп кўчат экиш режалаштирилган бўлиб, декабрга қадар



85 миллион туп кўчат ўтқазилган ва бу хайрли ишга юзлаб ташкилотлар, маҳаллалар, қўйинги, кенг жамоатчилик, жумладан, биз сингари минглаб нуронийлар бош қўшганди. Баҳор мавсумида қолган 125 миллиони ерга қадалганди.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси эзгу анъанага айланди. Ҳар йили ушбу лойиҳа доирасида мамлакатимиз бўйлаб миллионлаб кўчат ўтқазилмоқда. Яшиллик миқёсини 2030 йилгача 30 фоизга етказиш мақсад қилинган.

Яқинда давлатимиз раҳбари “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида мамлакатимизни яшилликка буркаш, кўкаламзорлаштириш бўйича масъуллар олдига аниқ вазифалар қўйди. Иқлим шароитини ҳисобга олмай, сув йўқ жойларга дарахт экилгани, ҳисоботларга қўшиб ёзилгани учун кўплаб мутасаддилар танқид қилинди.

Кўпчилик дарахтларнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини ҳали ҳам тўлиқ тушунганича йўқ. Дарахтлар ўзимиз ва келажак авлодимиз учун зарурлигини англаб, борини асраб, янги дарахт кўчатларини виждон амри билан экиб, меҳр бериб парвариш қилмас эканмиз, тупроқнинг сув ва шамол эрозияси тезлашади. Табиатда азот мувозанати бузилади, ҳавода кислород камаяди, озон қатлами муаммоси катталашади. Чанг-тўзон кўп кузатилади, янги касалликлар пайдо бўлаверади.

Сиҳат-саломатлик, узоқ умр кўриш кўп жиҳатдан она табиат мусаффолигига боғлиқлиги олис мозийдаёқ аждодларимизга маълум бўлган. Зеро, аллома бобомиз Абу Али ибн Сино “Агар ҳавода чанг-ғубор бўлмаса эди, инсон минг йил яшарди”, деб бежиз айтмаган.

Имомқул БЕРДИЕВ,
Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманидаги “Қангли” МФЙ раиси маслаҳатчиси,
“Шуҳрат” медали соҳиби

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

yuz_official yuz.uz_news yuz

2024 йил 6 ноябрь, 225-сон

Халқаро кузатувчилар Марказий сайлов комиссияси мажлисларининг реал вақт режимида намойиш қилинганини таъкидлар экан, комиссиянинг қарорлари тезкорлик билан эълон қилинганига, бу эса шаффофлик кўламини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этганига эътиборни қаратди.



Янги Ўзбекистон руҳи

БУЮК ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДАГИ УЛКАН ҚАДАМЛАР



Мирзо Улуғбек АБДУСАЛОМОВ, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

Кечаётган барча ислоҳотлар, давлат органларининг вазифалари, фаолияти ва хатти-ҳаракатлари ягона олий мақсад — халқ фаровонлигини юксалтиришга йўналтирилган. Бу улуғвор ғоя Конституциянинг барча моддаларига сингдирилган. Уларга кўра, давлат ҳокимияти амалда ва қонун бўйича Ўзбекистон халқига тегишли эканининг ёрқин ифодасидир. Халқ ўз хоҳиш ва иродасини бевосита давлатимиз қонунчилиги асосида ва доирасида бир неча хил усуллар ҳамда кўринишлар, жумладан, ўз сайлов ҳуқуқини амалга ошириш орқали рўёбга чиқаради.



Бошланиши 1-бетда

Ушбу сайлов янгиланган Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган кучли парламентаризм ва жойларда вакиллик органларининг ваколатлари сезиларли даражада кучайтирилган шароитда ўтди.

Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари амалдаги бештадан ўн иккитага, Олий Мажлис Сенатиники эса ўн иккитадан ўн саккизтага кўпайтирилди. Парламентнинг ижро этувчи, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва махсус хизматлар фаолияти устидан назорат функциялари кенгайтирилди.

Ҳокимларнинг халқ депутатлари кенгашларига раҳбар бўлиши бекор қилинди. Давлат ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал этишда вакиллик органлари ролини ошириш мақсадида аввал ҳокимлар ваколатида бўлган ўттиз учта ваколат маҳаллий кенгашларга ўтказилди. Бу эса сайловда сиёсий партиялар ва номзодлар ўртасида фаол рақобат муҳити шаклланишига хизмат қилади.

Миллий парламент ва ҳудудий вакиллик органларини шакллантириш халқаро сайлов стандартлари ва миллий сайлов қонунчилигимизга тўла мос равишда, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда халқимизнинг фаоллиги, сиёсий майдонда ғоя ва фикрлар хилма-хиллиги қарор топган, сиёсий партияларнинг кучли рақобат муҳитида кечгани юртимиз ижтимоий ҳаётида янги сиёсий анъаналарнинг мустаҳкамланиб бораётганидан далолатдир.

Инсон қадрини янада юксалтириш давлат сиёсатининг бош тамойили сифатида белгиланган Ўзбекистондаги кўлами кенг, шиддати баланд, натижадорлиги юксак демократик ўзгаришлар халқимиз манфаатларини изчиллик билан таъминлаш, ватанимизнинг халқаро нуфузини янада ошириш йўлида узоқни кўзлаб юритилаётган оқилона сиёсатнинг ҳаётдаги самаралари эканига даъват қилгани эл-юрт келажаги учун бефарқ бўлмаган барча юртдошларимиз қалбида акс садо берди. Улар ўз фуқаролик бурчидан келиб чиқиб, мазкур сиёсий тадбирга юксак масъулият, ватан ва халқ тақдирига дахлдорлик туйғуси билан ёндашганига аҳли олам бугун гувоҳ бўлиб турибди.

Бу йилги сайловнинг энг муҳим жиҳатларидан бири — миллий сайлов комиссиялари тизими давр талаби ва демократик тамойиллар асосида такомиллаштирилди. Вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудий сайлов комиссиялари тузилди ва самарали фаолият кўрсатди. Зеро, ҳудудий сайлов комиссияларининг асосий вазифаларидан бири тегишли ҳудудда Қонунчилик палатаси, маҳаллий кенгашлар депутатлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни ташкил этишдан иборат.

Янгиланган Конституциямиз ва янада такомиллаштирилган сайлов қонунчилиги асосида, демократик тамойилларга мувофиқ, очиқ-ошкора, кучли рақобат шароитида ўтказилган сайловда 15 миллиондан кўпроқ фуқаро — рўйхатга киритилган қарийб 75 фоиз сайловчи ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этди.

Булар, халқаро экспертлар ҳақли равишда таъкидлаганидек, Ўзбекистон ҳуқуқий ислоҳотни асосий миллий вазифа сифатида танлагани ва қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида уни муттасил амалга ошириб келаётганига амалдаги яққол мисоллардир.

Дарҳақиқат, демократик давлатларда Конституция асосий қонун сифатида сайлов қонунчилигининг ҳуқуқий пойдевори ҳисобланади. Шу жиҳатдан қараганда, янги Ўзбекистон Конституцияси ҳам мамлакатимизнинг демократик принципларга таянган сайлов тизимининг пойдевори ва амалдаги сайлов қонунчилигининг мустаҳкам ҳуқуқий негизидир.

Мамлакатимиз миллий сайлов тизимининг асосий тамал тоши ва серқирра ҳуқуқий жиҳатлари Конституция ва Сайлов кодексида белгиланган. Бу, *биринчидан*, сайлов жараёнларининг демократик тамойиллар асосида адолатли, холисона, очиқ ва ошкора ўтказилишига хизмат қилади. *Иккинчидан*, сайлов жараёнларининг фаол иштирокчиси ҳисобланган фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини кафолатлайди. *Учинчидан* эса сайлов жараёнида фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, сиёсий партияларнинг дастурий мақсад ва вазифалари амалга оширилишини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизмларни акс эттиради.

Бундай ўзгаришлар самарасида миллий парламентимиз ва маҳаллий кенгашлар ваколатлари кенгайтирилиб, фаолиятидаги демократик тамойиллар янада мустаҳкамланди. Бу эса аҳолининг парламент ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига номзод кўрсатиш ва сайлов жараёнига қизиқишини сезиларли даражада оширгани сайлов кампаниясида яққол сезилди.

2023 йил 18 декабрь куни қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги конституциявий қонун мамлакатимиз миллий сайлов тизимидаги изчил ислоҳотларнинг мантиқий давоми учун ҳуқуқий асосни янада мустаҳкамлади. Мазкур қонунга мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини аралаш сайлов тизими — мажоритар ва пропорционал асосда ўтказиш белгилаб қўйилди.

Бошқача айтганда, сайловчилар илк бор Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига доир бир мандатли сайлов округи бўйича сайлов бюллетени ва Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига доир ягона сайлов округи бўйича сайлов бюллетени асосида овоз бердилар.

Бошқача айтганда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 50 фоизи, яъни 75 нафари одатдагидек мажоритар сайлов тизимига мувофиқ бир мандатли сайлов округларидан сайланди. Қолган 50 фоизи, яъни 75 нафари пропорционал сайлов тизими асосида ягона сайлов округида бешта сиёсий партия томонидан кўрсатилган депутатликка номзодлар рўйхати (партия рўйхати) бўйича берилган овозларга мутаносиб равишда сайланди.

Аввало, аралаш сайлов тизими сиёсий партияларнинг дастурлари ўртасидаги ўзаро рақобатни кучайтирди. Иккинчидан, ҳар бир сайловчининг овози муҳимлиги ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга экани таъминланди ҳамда ушбу имконият депутатлик ўринларини шакллантиришда муҳим роль ўйнади. Учинчидан, сиёсий партияларнинг жамиятдаги мавқеини янада ошириш ва позициясини мустаҳкамлашга ҳамда сайлов кампанияси харажатларини ихчамлаштиришга хизмат қилди.

Бундай муваффақиятлар негизида халқимиз иродаси билан қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституциямизда ўз ифодасини топган энг юксак ғоялар, демократик тамойиллар, эзгу мақсадлар, орзу-интилишлар мужассамдир. Давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаганидек, Конституциямиз халқимиз сиёсий тафаккурининг ноёб намунасидир.

Конституциямизнинг ғояси, мақсади, руҳи — ҳар бир қоидаси Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, асрлар мобайнида шаклланган демократик қадриятлар, миллий давлатчилик, шунингдек, неча минг йиллардан буён авлоддан авлодга мерос бўлиб келаётган давлатни идора этиш ҳамда халқ билан бамаслаҳат сиёсат юритиш анъаналарини ўзида тўла мужассамлаштирган.





МУҲИМ ЎЗГАРИШЛАР

Шу йил 31 августда Президентимиз давлатимиз мустақиллигининг 33 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида: “Бутун халқимизни сайловда фаол иштирок этиб, янги Ўзбекистон учун, эркин ва фаровон ҳаёт, фарзандларимизнинг бахти ва истиқболи учун овоз беришга чақираман”, деб ҳар қандай киши амин бўлади. Жаҳон банки томонидан Ўзбекистоннинг Европа ва Марказий Осиёдаги иқтисодиёти энг жадал ривожланаётган уч мамлакатдан бири сифатида эътироф этилгани бунинг ёрқин далилидир.

Бундай муносабат ва ишончнинг замирида, аввало, Ўзбекистон халқининг ўзи ва келажагига бўлган улкан ишончи ётади. Ўзбекистон халқи ўзининг ким эканини, нимага қодирлигини, қандай буюк ишларни амалга ошира олишини ўзи ҳам, бутун дунё ҳам яхши биляпти.

Ўзбекистон фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга экани, ҳар бир сайловчи бир овозга эгалиги, овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланишига, шунингдек, сайлов умумий, тенг ва тўғридан тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилишига оид муҳим конституциявий қоидалар мустаҳкамланиши юртимиздаги барча даражадаги сайловларнинг, биринчи навбатда, ушбу конституциявий негизларга бевосита таянишини англатади.

Хусусан, Конституциямизда қайд этилганидек: “Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади”.

Яна бир муҳим жиҳат сайловга оид конституциявий қоида ва талаблар ҳам Конституциядаги энг асосий тамойиллар билан ўзаро узвий боғлангани ва уларга ҳамоҳанглигидир. Жумладан, Конституциямизнинг бош устунларидан бири “халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир” тамойилидир. Хусусан, мазкур принцип Конституциянинг “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда шакллантириш, шунингдек, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назорати воситасида амалга оширилади”, деган нормасида янада ривожлантирилган.

Бу тамойил “демократия” тушунчаси билан уйғун бўлиб, аввало, давлат ҳокимиятининг фақатгина халққа тегишли эканини, давлат халқ иродасини ифодалаши ва унинг манфаатларига хизмат қилиши лозимлиги, давлатнинг асосий вазифаларидан бири инсон ва жамият фаровонлигини таъминлашга қаратилганини англатади. Буни давлатимиз раҳбари томонидан энг устувор масалалар қаторида “Конституция — эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” маърузасида белгилаб берилган “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак”, деган муҳим қоида ва талабнинг моҳияти ҳам ёрқин намоён этади.

Кечаётган барча ислоҳотлар, давлат органларининг вазифалари, фаолияти ва хатти-ҳаракатлари ягона олий мақсад — халқ фаровонлигини юксалтиришга йўналтирилган. Бу улуғвор ғоя Конституциянинг барча моддаларига сингдирилган. Уларга кўра, давлат ҳокимияти амалда ва қонун бўйича Ўзбекистон халқига тегишли эканининг ёрқин ифодасидир. Халқ ўз хоҳиш ва иродасини бевосита давлатимиз қонунчилиги асосида ва доирасида бир неча хил усуллар ҳамда кўринишлар, жумладан, ўз сайлов ҳуқуқини амалга ошириш орқали рўёбга чиқаради.

Булар ўтган йили амалга оширилган конституциявий ислоҳотлар доирасида Бош қонунимизда акс этган инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият деб тан олинган кўп миллатли халқимиз иродасини рўёбга чиқариш мақсади билан бевосита боғлиқдир.

Зотан, ўзининг ташкил этилиши ва тузилиши жиҳатидан ҳамда фаолиятида халқнинг иродасига таянган, барча умумэътироф этилган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга интилган давлат деганда том маънодаги демократик давлат тушунилади. Бунда демократик давлат фуқароларнинг эркинлиги ва ҳурфикрлилигига асосланган фуқаролик жамиятининг гарови, таянчи ва муҳим аҳралмас таркибий қисмидир.

Конституциямизнинг ғояси, мақсади, руҳи — ҳар бир қоидаси Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, асрлар мобайнида шаклланган демократик қадриятлар, миллий давлатчилик, шунингдек, неча минг йиллардан буён авлоддан авлодга мерос бўлиб келаётган давлатни идора этиш ҳамда халқ билан бамаслаҳат сиёсат юритиш анъаналарини ўзида тўла мужассамлаштирган.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг: “Ҳаммамизни тарбиялаган, вояга етказган — шу халқ. Барчамизга туз-насиба берган ҳам шу халқ. Бизга ишонч билдирган, раҳбар қилиб сайлаган ҳам айнан шу халқ. Шундай экан, биз биринчи навбатда ким билан мулоқот қилишимиз керак — одамларимиз билан. Ким билан бамаслаҳат иш тутишимиз керак — аввало, халқимиз билан. Шунда халқимиз биздан рози бўлади. Халқ рози бўлса, ишимизда унум ва барака бўлади. Халқ биздан рози бўлса, Яратган ҳам биздан рози бўлади”, деган фикри халқ билан бамаслаҳат сиёсат юритиш анъаналари жамиятимизда мустаҳкам қарор топаётганининг амалдаги исботидир.

Конституция миллий сайлов тизимини ва жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларини демократик ривожлантиришда, шубҳасиз, доим асосий ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Конституциянинг такомиллаштирилиши асосида сайлов жараёнлари билан боғлиқ янги нормаларнинг мустаҳкамланиши сайловнинг қонунийлик, очиқлик ва ошкоралик тамойиллари асосида, жаҳонда умумэътироф этилган демократик стандартларга мос ҳолда ўтишини, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи кафолатларини ҳамда давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини янада кенгроқ таъминлашга хизмат қилади.

Буларнинг барчаси янги Ўзбекистонда сайлов тизимини халқаро нормалар ва тамойилларга мослаштириш, сайловчилар учун янада кенг имкониятлар яратиш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларнинг юксак самарасидир.

ЮКСАЛИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўтган сайловни хорижий давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар миссияларининг саккиз юз элликдан ортиқ кузатувчиси, оммавий ахборот воситаларининг мингдан кўпроқ вакили бевосита кузатиб борди.

Ушбу рақамларга сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатиб борган сиёсий партиялар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўн минглаб кузатувчилари ва ваколатли вакилларини ҳам қўшинг.

Мамлакатимиз Марказий сайлов комиссияси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 150 нафар депутатини рўйхатга олди. Парламентимиз қуйи палатаси таркиби қарийб 60 фоиз янгиланди.

Сайланган депутатларнинг 38 фоизини хотин-қизлар ташкил этди. Бу Ўзбекистон тарихидаги энг юқори кўрсаткич эканини таъкидлаган халқаро экспертлар тамомила ҳақдир.

“Сайловда жисмоний имконияти чекланган инсонлар ҳам фаол иштирок этди, — дейди германиялик журналист Андела Бела. — Бу ҳар бир инсон ўзининг сайлов ҳуқуқидан эмин-эркин фойдаланганидан далолатдир”.

Рўйхатдан ўтган барча бешта сиёсий партия қонун билан таъминланган тенг шароитларда эркин ташвиқот ўтказиш имкониятига эга бўлди деб эътироф этди Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти экспертлари. Сайловга тайёргарлик барча даражада ва белгиланган муддатларга риоя қилган ҳолда самарали ўтказилгани таъкидланди.

Халқаро кузатувчилар Марказий сайлов комиссияси мажлисларининг реал вақт режимида намойиш қилинганини таъкидлар экан, комиссиянинг қарорлари тезкорлик билан эълон қилинганига, бу эса шаффофлик кўламини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этганига эътиборни қаратди.

Барча партиялар вакиллари ўртасида ҳар ҳафта дебатлар ташкил этгани ва жонли эфирга узатгани учун бешта телеканал ташаббуси ижобий баҳоланди.

2023 йилда Конституцияга киритилган ўзгартиришларга биноан муомалага лаёқатсиз деб топилган ва озодликдан маҳрум этилган фуқароларга нисбатан сайлов ҳуқуқларининг тўлиқ чекланиши бекор қилингани халқаро стандартларга мосдир.

Халқаро экспертлар, шунингдек, такрорий овоз бериш ва сайлов кампанияси бўйича молиявий ҳисоботни тақдим этиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик жорий этилганини ҳам муҳим ўзгариш сифатида баҳоладилар.

Буларнинг барчаси сайловнинг кўппартиявийлик ва муқобиллик, ошкоралик ва транспарентлик тамойиллари асосида, умумэътироф этилган халқаро демократик стандартларга мос ўтказишда муҳим омил бўлди.

Ўтган ҳар бир сайлов мамлакатимизда ривожланган демократик ҳуқуқий давлат, эркин, очиқ ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш сари қўйилган муҳим қадамдир. Конституциямизда ва миллий сайлов қонунчилигимизда мустаҳкамлаб қўйилган тамойиллар асосида ўтказилган навбатдаги сайлов халқимизнинг фаровонлигини янада оширишда янги қадам бўлиб, буюк юксалиш йўлидаги интилишларини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Бутун дунёда экологик тоза маҳсулот етиштиришга талаб кучайди. Бундай маҳсулотлар инсон саломатлиги учун фойдали микроэлементлар, турли биологик моддаларга бойлиги билан ажралиб туради.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz



Бунёдкорлик

Ҳудудлар ҳаёти

СУРХОНДАРЁНИНГ БУГУНГИ ҚИЁФАСИ

Бир вақтлар Термиз тумани чегараси ёқалаб ўтган Амударёнинг ўнг қирғоғи одам бўйи қамишзор бўлар, ҳар куз фаслида хазонрез пайти қамишзорга ўт ёқиб юборилганда ботқоқликнинг бор ҳашароти туман аҳолисига, хонадонларига кириб борарди. Бугун ана шу жойда катта шаҳар-массив бунёд этилмоқда.



— Бир муддат илгари бу ернинг ҳолати бутунлай бошқача эди. Эътибордан четдаги манзилда шундай шаҳарча барпо этилишини ким ҳам ўйлабди, дейсиз, — дейди маҳаллий аҳоли вакили Тошмурод Ортиқов. — Одамлар чорвани эрталаб шу қамишзор оралатиб ҳайдаб юборса, кечга яқин бу юлғунзор, ботқоқликдан зўрға топиб келарди. Бугун эса бу ерда баланд иморатлари бор массив бунёд бўляпти.

Ҳа, бундай таърифларни биз тез-тез қўллаяпмиз, тинглаяпмиз. Рост-да, кўз очиб юмгунча қаердадир, нимадир катта янгилик рўй беряпти. Улгурсангиз, уларни яратиш жараёнини кўриб кузатасиз, улгурмасангиз, фақат самарасидан ҳайратланишингиз мумкин.

Термиз туманидаги “Янги Ўзбекистон” массиви — чинакам мўъжиза, чинакам шаҳарча дейиш мумкин. Замонавий қурилишнинг барча имкониятини жамлаган лойиҳа тез фурсатда тўлалигича ҳаётга татбиқ этилади.

— Лойиҳанинг ўзига хослиги, халқимиз эҳтиёжларига мослиги эътиборга молик. Массив умумий ҳисобда 37 гектар майдонни эгаллайди. Термиз шаҳрига туташ, халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўли ёнгинасида жойлашган шаҳарчада турар жойлар билан бирга яхлит тизимли инфратузилма объектлари барпо этилмоқда, — дейди “Сурхонсаноатқурилиш” компанияси раҳбари ўринбосари Чори Қувватов.

Аввалларибу жой қарийб ярим аср давомида Янгиобод маҳалласи деб юритилган. Энди эса “Янги Ўзбекистон” массиви деб аталмоқда. Қарийб 7 гектарлик “Янги Ўзбекистон” боғи ҳам қурилмоқда. Массивни чин маънода “экошаҳар”, дейиш мумкин. Сабаби унга туташ ҳудудда яшил боғлар, сўлим хиёбонлар, сунъий кўл ҳам бунёд этилмоқда.

Ҳадемай, Термиздаги “Янги Ўзбекистон” массиви ўзгача қиёфага киради. Бу жойда иккита олий таълим муассасаси кўчиб келиб жойлашади. Унинг янги ўқув бинолари фойдаланишга топширилади. Улар 2000 дан ортиқ талабани бағрига олади. Тиббиёт масканлари, замонавий кўринишдаги спорт мажмуаси, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бунёд этилмоқда. 4 минг ўринли амфитеатр барпо қилинмоқда. Шунингдек, турли аттракционлар, сайилгоҳлар ҳам фойдаланишга топширилади.

Хуллас, “Янги Ўзбекистон”нинг лойиҳачи ва қурувчилари аҳоли учун шаҳарсозликнинг энг илғор намуналарини тақдим этмоқда. Айни пайтда массивда қурилаётган кўп қаватли уйларнинг 30 фоизида ғиштдан фойдаланилаётган бўлса, 70 фоизи монолит усулида бунёд этилмоқда. Албатта, қурилишда ўзига хос талаб ва ўлчовлар бор. Унга кўра, ҳудуднинг сейсмик ва ёнғин хавфсизлиги биринчи навбатда ўрганилади.



— “Янги Ўзбекистон” массиви ҳудудида режадаги 18 та 16 қаватли уй-жойнинг қурилиш ишлари якунланиш арафасида. Баъзи объектларда жараён давом этмоқда, — дейди қурувчи-тадбиркор Одил Қурбонсаидов. — Бу массивлар комплекс ривожланиш тамойили асосида барпо этиляпти. Ҳар бир массивда саноат лойиҳалари, хизмат кўрсатиш объектлари ва ижтимоий инфратузилма бир вақтда қурилиши натижасида одамлар ҳам уйли, ҳам ишли бўлади. Биноларни лойиҳалаштиришда, аввало, ҳудуднинг кескин континентал иқлими, санитария ҳамда хавфсизлик талаблари, халқимизнинг ҳаёт тарзига оид барча жиҳат ҳисобга олинган. Эътибор қаратсангиз, уйлар бир қатор эмас, балки кўчадан ҳар хил узоқликда, оралиқ масофаси кенг олинган ҳолда қурилмоқда. Бу эса мавзеда шамол айланишини таъминлайди. Бундай иншоотлар қурилиши вилоятда кўп қаватли бинолар барпо этиш тажрибасини янги поғонага олиб чиқмоқда.

2019 йилда Термиз шаҳридаги “Фаровон” массивида фойдаланишга топширилган 8 та 7 қаватли уй ғиштдан бунёд этилган бўлса, айни пайтда эса 9, 12, 14, 16 қаватли уйлар монолит усулида қурилмоқда. Очиғи, шу кунга қадар фақат горизонтал жойлашган 3-4 қаватли уйлар бунёд этилган бўлса, энди улар ўрнини тик, осмонга қараб йўналган, сейсмик зонага мослаштирилган мустаҳкам бинолар эгалламоқда.

Сурхондарё аҳолисининг барча қатламини уй-жой билан таъминлашга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2021 йил 9 декабрдаги “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳам айни шу мақсадга қаратилган.

— Рости, кейинги йилларда Термиз ва вилоятнинг бошқа ҳудудида қад ростлаган баланд-баланд уйлар ҳеч кимнинг тушига ҳам кирмаганди. Айниқса, улардаги шинам хонадонларни айтмайсизми! Кўриб ҳам қувонасиз, ҳам ҳавас қиласиз, — дейди меҳнат фахрийси Шокир Хўжаев.

Массивларни қуришда шаҳарсозликнинг сўнгги ютуқларига таянилгани яққол кўзга ташланади. Уларнинг биринчи қаватида маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари жойлашган бўлса, қолган қаватлари турар жой. Уйлар барпо этилиши учун қурилиш қуввати ва имконият етарли. Мазкур уйлар қурилишида маҳаллий қурилиш материаллари, иссиқлик тежовчи қоплама ва замонавий технологиялар қўлланмоқда. Бунинг учун қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналар билан ҳамкорлик қилинмоқда.

Сурхондарёда кечагина уй-жой қайғусида ўйланиб юрган юртдошимиз бугун шинам уйига меҳмон чақиряпти. Неча йиллар ижарама-ижара юриб, қийналган танишимиз эса имтиёзли асосда ўз уйига эга бўляпти. Ҳақиқатан, бугун замонавий меъморий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган уй-жойлар, ижтимоий соҳа объектлари, кенг ва равон йўллар гавҳар шодаси сингари Сурхондарёнинг қиёфасини кўз-кўз қилмоқда.

Сарвар ТЎРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Экспорт

“КЕЛИНБАРМОҚ” АҚШ ВА ГЕРМАНИЯДА СОТУВГА ЧИҚАРИЛАДИ



Куз, айни пишиқчилик палласи. Бозорларимиз мева-чева, полиз ва сабзавотларга тўла. Қуёшли заминимизда етилган сархил маҳсулотларга талаб хориж бозорларида кундан кунга ортиб бормоқда. Жорий йилнинг шу кунига қадар фарғоналик миришкорлар етиштирган 215 минг 564 тоннадан ортиқ ўрик, шафтоли, олхўри, тарвуз-қовун, помидор, булғор ва аччиқ қалампир сингари қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари Россия, Қирғизистон, Афғонистон, Хитой, Туркияга экспорт қилинди.

Вилоятда экспорт ҳажми ва доирасини кенгайтириш мақсадида хорижий давлатлардаги элчихоналаримиз томонидан республика экспорт штабига тақдим этилган маълумотларни ҳудудий штаблар орқали экспортчи корхоналарга етказиш тизими йўлга қўйилди. Маҳсулотларнинг хориждаги нархлари, импорт қилувчи корхоналар, йирик улгуржи марказлар, савдо агентлари, маҳсулот ишлаб чиқарувчи брендлар, логистика компаниялари, маҳсулотларни саралаш, қадоқлаш, қайта ишлаш йўналишида юқори малакали хорижий технологиялар тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар экспортёр корхоналарга етказиб бориляпти. Шунингдек, юртимиз омборхоналарида сақланаётган маҳсулотлар, ички ва ташқи бозорлардаги ўртача нархлар, олдиндан ҳудудларда маҳсулотлар пишиб етилиши бўйича маълумотлар, экспортчи корхоналарнинг тижорат таклифлари, маҳсулотларнинг фото ва видеолавҳалари тақдим этиб борилаётгани ҳамкорлик кўламини кенгайтириш имконини бермоқда.

Олтиариқ туманидаги “IxlosASB” МЧЖ томонидан юртимиз боғларида етиштирилган 10 дан ортиқ турдаги сархил мевалар табиийлигини сақлаган ҳолда қуритилиб, МДҲ давлатларига экспорт қилинмоқда. Шу мақсадда Хитойдан замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатилди. Мевани сифатли қуритиш, музлаткичли омборхоналарда сақлаш жараёни жаҳон андазалари даражасида ташкил этилган.

— Қайта ишлаш, консервация қилиш ва табиий ҳолда қуритиш орқали маҳсулотлар “Frutata” бренди остида мамлакатимиз ва хориждаги йирик савдо тармоқларига етказиб бериляпти, — дейди технолог Аслиддин Собиров. — “Ҳалол” сертификатига эга маҳсулотларимизни энди АҚШ ва Германияга экспорт қилиш борасида келишувларга эришилди.

Корхона жамоаси жаҳон бозорида муносиб ўринга эга бўлиш учун Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг Олтиариқ тумани бўлими билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Чунки мева-сабзавотларни



экспортдан олдин сифатли фитосанитар экспертизадан ўтказиш талаб этилади.

— Маҳсулотлар туманда ташкил этилган “Экспортга кўмаклашиш” марказида тегишли тартибда кўрикдан ўтказилиб, маҳсулот сифати, фитосанитария ҳолати бўйича керакли ҳужжатлар расмийлаштирилади, — дейди Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг Олтиариқ тумани бўлими мутахассиси Жасурбек Каримов. — Бу ҳужжатлар асосида ташиш жараёнида чегара постларидан қийинчиликсиз ўтилади. Зеро, маҳсулотни харидорларга тез ва сифатли етказиб бериш муҳим аҳамиятга эга.

Бутун дунёда экологик тоза маҳсулот етиштиришга талаб кучайди. Бундай маҳсулотлар инсон саломатлиги учун фойдали микроэлементлар, турли биологик моддаларга бойлиги билан ажралиб туради. Мазкур ишларда Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг ҳудудий бўлимлари тадбиркор, деҳқон ва томорқачиларга яқин кўмакчи бўлмоқда.

Олтиариқ туманида 3500 гектардан ортиқ узум боғлари бўлиб, жорий йилда 30 минг тоннадан ортиқ узумни жаҳон бозорига экспорт қилиш режалаштирилган. Ўз навбатида, қиш-баҳор мавсумида аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини бир маромда қондириш мақсадида мева-сабзавот сақлашга ихтисослаштирилган 68 минг 800 тонна сиғимга эга 83 та музлаткичли омборхона ишлаб турибди. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўлимининг малакали мутахассислари экспортчи корхоналар, фермер ва деҳқон хўжаликлари, аҳоли ўртасида маҳсулотни сифатли сақлаш, биологик ишлов бериш ҳамда фитосанитария сертификатини олган ҳолда экспортга йўналтириш бўйича доимий тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда.

Бу ерда сўнгги русумдаги жиҳозлар билан таъминланган кўчма лаборатория фаолияти йўлга қўйилди. Улар аҳоли ва фермер хўжаликларига касаллик ва зараркунандаларни эрта аниқлаш, унга қарши курашиш, экологик тоза мева-сабзавотлар етиштириш, сақлаш йўналишида амалий ёрдам бериб келмоқда. Жойларда қишлоқ хўжалиги соҳасига ихтисослашган 30 га яқин биологик дорихона ташкил этилди.

— Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўлими мутахассислари амалий билим ва тажрибаси, инновацион ғоялари билан ҳар жиҳатдан кўмак бериб келяпти, — дейди Олтиариқ туманидаги “Чинортаги” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Баҳодир Эргашев. — Бу йил ҳам уларнинг кўмаги, амалий маслаҳати туфайли томорқамизда 6 тоннадан ортиқ узум етиштирдик. Маҳсулотлар экологик тоза, ширин таъми, сифати билан харидорларга маъқул келмоқда. Бугунгача ризамат ота, мерс, келинбармоқ сингари узум навларининг ҳар бир килосини ўртача 15 минг сўмдан сотдик, бир қисмини эрта кўкламга қадар сақлаш учун қўйганмиз. Бундан ташқари, экспортбоп, серҳосил янги узум навларини маҳаллий шароитда етиштириш борасида ҳамкорлик қилиб келяпмиз.

“My Garden” фермер хўжалиги тасарруфида 45 гектар узум боғи бор. Хўжалик меваларни узоқ муддат сақлаш мақсадида 2 минг тонна сиғимга эга музлаткичли омборхона қурди. Айни кунда ҳусайни, келинбармоқ сингари узум навлари, олма, хурмо каби мевалар қиш-баҳор мавсумида экспорт қилиш учун жамланмоқда.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

ФАОЛ ТАДБИРКОР — ЭЛГА МАДАДКОР

“Азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир”. Соҳибқирон Амир Темурнинг ушбу сўзлари замиридаги улкан маъно бугунги кунда тадбиркорлик соҳасидаги изчил ислоҳотларга ҳамоҳангдай гўё. Чунки тадбиркор ва ишбилармон кишилар жамият тараққиёти ҳамда халқ фаровонлигини таъминлашда катта карвон вазифасини ўтайди. Халқ бой бўлса, юрт фаровон, одамлар эса ўтаётган умридан рози бўлиб яшайди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга, ишбилармонларни кўпайтиришга ва уларга зарур шароитлар яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йил 22 август куни Президентимизнинг тадбиркорлар билан ўтказган очиқ мулоқоти бу борадаги ишларни янада изчил давом эттиришда муҳим аҳамият касб этди.



Оддий ишчидан катта тадбиркорга айланди

Албатта, ҳаракат қилган, изланган ва машаққатларни енга олган инсон кун келиб ўз мақсадларига эришиши, орзулари рўёбга чиқиши тайин. Бухоро вилоятининг Вобкент туманида яшовчи Анвар Кенжаев олий маълумотли бўлса-да, на ўз соҳасида, на бошқа соҳада тузукроқ маоши бор иш топа олмагач, хорижга кетди. Ахир қишлоқ шароитида ота-онасига кўмак бериш, ўз ҳаётини қуриб, оилали бўлиш ва рўзғорини бутлаши учун ҳам меҳнат қилиши керак-ку. У бир муддат Россияда оддий ва оғир юмушларда ишлади, топган пулини яқинларига жўнатиб турди.

Юртимизда кечаётган ислоҳотлар асносида ота-онаси ўғлига уйга қайтишни ва тадбиркорлик билан шуғулланишни маслаҳат берди. “Ота рози — Худо рози” мақоли бежиз айтилмаган. Анвар дастлаб Ўзбекистонда кечаётган ислоҳотларга унчалик ишонмаган бўлса-да, яқинлари сўзини икки қилмай Бухорога қайтди ва отасининг маслаҳати билан туман ҳокимлигига бориб, вазиятни тушунтирди. 2018 йилда унга 20 гектар ер ажратиб беришди. Ўз ерига эга бўлган Анвар дарҳол енг шимариб ишга киришди. Жигарлари эса унга кўмакдош бўлди.

Даставвал пахта ва ғалла экиб, мўмай даромад топган Анвар Кенжаев бугун нафақат Бухоро вилоятида, балки республикада кўзга кўринган ишбилармонлардан бирига айланган.

20 гектар ери айни вақтда 400 гектарга етган бўлиб, шундан 250 гектари экин майдонидан иборат. Фермер хўжалигида ҳамқишлоқларининг юздан зиёди иш билан таъминланди. Ҳозир ҳар бир ишчининг ўртача ойлик иш ҳақи 5-10 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Ислоҳотлар самараси

— Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича қабул қилинган халқчил қарорлар ва имтиёзли кредитлар фаолиятимни йўлга қўйиб олишимда муҳим таянч бўлди, — дейди “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони соҳиби Анвар Кенжаев. — 2019 йилда фермер хўжалигимиз негизида “Бухоро асл элита” уруғчилик хўжалигини ҳам ташкил этдик. Илгари фақат ғалла ва пахта етиштириб, хомашёни давлат эҳтиёжи учун қатъий белгиланган нархларда сотган бўлсак, энди сифатли ғалла ва пахта етказиб беряпмиз. Пахтани қайта ишлаб, толасини ўзимиз эркин нархда биржа орқали тўқимачилик корхоналарига сотяпмиз ва йилига 5 миллиард сўмдан зиёд даромад оляпмиз. 2021 йилда даромадимиз ортиши туфайли имкониятларимизни чорвачилик соҳасида ҳам синаб кўриш учун 8 миллиард сўмга чорва фермаси қурдик. 3 миллиард сўм имтиёзли кредитга Австрия ва Германиядан наслли қорамол олиб келдик. 2023 йилда 5,5 миллиард сўмга автоматлаштирилган соғин зали ва 500 бош чорвага мўлжалланган ускуналар харид қилдик. Ҳозир қурилиш-монтаж ишлари якунланиш арафасида. Худо хоҳласа, йил якунига қадар чорва бош сонини мингтага етказиб, сут ва гўштни қайта ишлашгача бўлган жараёнларни ўз ичига олувчи чорвачилик кластерини ташкил этишни ният қилганмиз. Шунда яна 50 дан зиёд ҳамкишлоғимиз ишли бўлади. Бу билан биз қўшимча қиймат занжирини яратамиз.



Муносиб эътироф

Жорий йилда Анвар Кенжаевнинг меҳнати муносиб эътироф этилиб, “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони соҳибига айланди. Бинобарин, бу ишонч кишини халқ фаровонлиги йўлидаги янги марраларни забт этишга ундайверади.

“Заҳро юлдузи” фермер хўжалиги жорий йилда ғаллачиликни ривожлантириш юзасидан россиялик, пахтачилик бўйича эса хитойлик етакчи олимлар билан ҳамкорлик ўрнатди. Бундан кўзланган асосий мақсад тармоқларда янги истиқболли лойиҳаларни амалда қўллаб, илғор технологиялардан фойдаланган ҳолда агросаноат мажмуаси ривожига ҳисса қўшишдир.

Тадбиркорнинг айтишича, “Бухоро асл элита” уруғчилик хўжалиги 140 гектар экин майдонига эга. Бу ернинг 57 гектарида пахта, яна шунча гектар ерда ғалла, қолган майдонда чорва моллари учун озуқабоп экинлар етиштириб келинади. 2022 йилги мавсумда 56 гектар ердан пахтанинг “Бухоро-8” навидан 254 тонна хирмон кўтарилган бўлса, 2023 йилда ҳосилдорлик қарийб 45 центнерни ташкил этиб, 257 тонна “оқ олтин” териб олинди. Бу йилги режа ҳам ортиғи билан бажарилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Жорий йилда жамоа миришкорлари 65 гектар майдонга ғалла экиб, 75 центнердан ҳосил олди ва ризқирўз хирмони 490 тоннага етди. Бу ҳам тадбиркорнинг уддабуронлигидан далолат, албатта. Етиштирилган сара бугдойнинг қарийб ярми давлатга сотилган бўлса, қолгани меҳнат жамоаси моддий манфаатдорлиги учун сарфланди.

Яратиб берилаётган имконият ва имтиёзлардан унумли фойдаланаётган фермер хўжалиги ва унинг раҳбари Анвар Кенжаев қўшимча тармоқларни ишга туширишга киришди ва 4 гектарга яқин майдонда балиқ етиштиришни йўлга қўйди.

Ҳаракатда баракат

Ҳаракат қилган одам ўз меҳнатидан барака топади. Бухоролик тадбиркор Анвар Кенжаев ҳам бу ёруғ кунларга етгунича тиним билмай ишлади, изланди, янги-янги режалар тузди. Энг муҳими, тадбиркорлигини ташкил этиш учун идорама-идора юрмади, турли мутасаддиларнинг эшигида қоғозларга қўл қўйиб беринг, деб сарғаймади. Бу мамлакатимизда тадбиркорларга хизмат кўрсатадиган мукаммал ва янги тизим шарофатидир.

Мақоламиз қаҳрамонининг орзулари жуда кўп. У бунга шунчаки эришиб бўлмаслигини теран англайди. Шунинг учун меҳнат қилишдан, янгиликлар устида изланиш ва замонага мос қадам ташлашдан эринмайди. Шиори эса оддийгина — “Ишлаган тишлайди”.

Гуличеҳра ДУРДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Долзарб мавзу

АХЛОҚ ИШЛАШИ КЕРАК



ЁШЛАРНИНГ ХАВФСИЗ МЕҲНАТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ ҚАЙ ДАРАЖАДА ҲИМОЯЛАНГАН?



Жонибек АЛИЖОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Табиий ҳуқуқлар моҳияти

Ҳар бир инсон туғилиши билан қатор табиий ҳуқуқларга эга бўлади. Улардан бири — яшаш ҳуқуқи. Бу жараён инсоннинг ўзи танлаган йўл билан амалга ошади. Қандай яшаш эса бошқа масала. Шу боис, инсон доим ҳаракатда бўлади, яшаш учун курашади, жисмоний ва маънавий зеҳнини ишга солиб меҳнат қилади. Демак, меҳнат инсон ҳаётининг асосий мазмунини ташкил этади.

Жамоа бўлиб меҳнат қилишнинг ўзига хос ахлоқий меъёрлари бор. Аммо жамиятда бу меъёрларга кўп ҳолларда риоя қилинмайди. Гап шу ҳақда.

Ҳар бир инсон хавфсиз шароитда меҳнат қилишни истайди. Хавфсиз меҳнат ҳуқуқи, деганда фақат жисмоний хатарлар эмас, шахснинг руҳий ҳолатига салбий таъсир кўрсатмайдиган шароитда ишлаши ҳам тушунилади. Бироқ кундалик ҳаётимизда ён-атрофга синчиклаб назар ташласак, бу ҳуқуқ бузилаётган ҳолатларга тез-тез гувоҳ бўламиз. Айниқса, ёлланма ёки ишбай асосида ишловчи ёшлар билан боғлиқ бундай ҳолатлар кўп учрайди.

Масалан, кўчадаги оддий ошхона ёки дўконларни олайлик. Уларнинг аксариятида иш бошқарувчиларнинг ишчиларига қўпол муносабатига ҳар биримиз дуч келганмиз.

Бир сафар кўп бораверганимиздан ҳамма ишчиси таниш бўлиб қолган тамаддихонада бошлиғидан доим сўкиш эшитиб юрадиган бир йигитни саволга тутдим: “Нимага улар шахсиятингизни ҳақорат қилса ҳам жим тураверасиз? Сизга нима зарил булар билан бирга ишлаб, қўл-оёғингиз бутун, бошқа жойдан иш излаб кўрсангиз бўлмайдими?”. У талаба эканини, бу ишда вақтинча ишлаётгани, иш масаласига келсак, бу ер тўртинчи жой эканини айтди.

— Фойдаси йўқ, ака, бошқа жойларда ҳам ҳолат шундай. Тўғрироғи, бундан ҳам баттар жойлар бор, — дейди йигит. — Айрим иш бошқарувчилар ойлик оляпсан-ку, деб сизга айбдорга қарагандек қарайди. Қарши чиқсангиз, ишдан бўшатиш билан дағдаға қилади. Начора бошқа ерда ҳам ҳолат шундайлигини билиб ишлайверамиз.

Икки-уч йил илгари пойтахтдаги номдор озиқ-овқат дўконларидан бирида сотувчи бўлиб ишловчи йигит билан бирга ижарада яшаганман. У ишга тонг саҳар кетиб, ярим тунда қайтарди. Ўзаро келишувга кўра, ҳафтада бир кун дам оларди. Бироқ унга ана шу бир кун дам олиш ҳар доим ҳам насиб қилавермасди. Дўкон менежери қўнғироқ қилиб, харидор кўпайиб кетаётгани, улгурмаётганини айтар ва чақириб оларди. Ундан дам олиш кунингда ишлаганинг учун маошингга қўшиб беришадими, деб сўраганимда, “Қаёқда, ишлаб тур, лавозимингни ошираман, сабр қил, деб ваъда беради, холос”, дея жавоб берганди. У билан салкам бир ярим йил ижарада бирга яшаган бўлсак, на лавозими ошди, на маоши. Аксинча, арзимаган хатоси учун маошининг ярмини кесиб қолинганини айтиб, сиқилиб юрганига кўп гувоҳ бўлганман.

Савол туғилади: ана шундай хусусий компанияларнинг меҳнат шартномаси ҳам мамлакат қонунчилигига асосан тузиладими? Уларда меҳнат ҳуқуқлари бузилмаслигини кимдир назорат қиладими ёки барчасини ўзлари билганича ёзиб оладими? Аслида, адолат мезонидан келиб чиқиб, меҳнат ҳуқуқи барча учун — хоҳ давлат ташкилоти, хоҳ хусусий сектор бўлсин — бир хил бўлиши керак эмасми? Меҳнатга яраша ҳақ тўлаш барчасида умумий ягона қоида эмасми?

Нега урасиз? Бунга ҳаққингиз йўқ!

Атрофга жиддийроқ назар солсак, меҳнат ҳуқуқлари бузилишига ҳар қадамда кўзимиз тушаверади. Бунинг, айниқса, ёшлар ҳиссасига кўпроқ тўғри келиши дилни хуфтон қилади. Дорихона дейсизми, автомобиль ювиш шохобчасими — аксариятида ёшлар ҳуқуқи бузилиши ҳолатлари учрайди.

Талабалигимизда дарсдан кейин автоювиш шохобчасида ишловчи бир курсдошим дарсга юзи кўкарган ҳолатда келди. Айтишича, мижоз йўқлиги пайтида телефонда уйдагилари билан гаплашиб ўтиргани учун муассаса раҳбари томонидан калтакланган. Аммо раҳбар уни ёлланма ишчи сифатида ишлатган ва ўртада ҳеч қандай қонуний келишув бўлмаган. Калтаклагандан кейин эса бу ҳақда бирор жойга арз қилса, 15 кунлик хизмат ҳақини бермаслик билан қўрқитган. 15 кунлик меҳнатига ачинган курсдошимизнинг рози бўлишдан ўзга чораси қолмаган.

Бироқ адолатли хулоса қилиш учун иккала томонни ҳам эшитиш лозим. Ходимларга муносабат борасида иш берувчилар қандай фикрда? Шу мақсадда пойтахтда жойлашган тамаддихоналардан бирининг раҳбари билан суҳбатлашдим. Саволим қуйидагича бўлди: “Ходимларни ишлатишда раҳбар шундай жаҳлдор ва қўпол бўлиши шартми?”.

— Кимнингдир шаънига путур етказишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бу ерда ҳамма муаммо бошқарув услубида, — дейди у. — Муассасада аниқ тизимни йўлга қўймас экансиз, тайинлаган иш бошқарувчиларингиз қўполликка, камситишга ўтади. Чунки аниқ тизим йўқ жойда ходимлар ҳам камроқ ишлашга, ўзини чарчатмасликка интилади. Бу эса хизмат кўрсатиш сифатига салбий таъсир қилиши мумкин. Шундай тизимни йўлга қўйишингиз керакки, ходимлар бир-бирини сўзсиз тушунсин. Чаққонлик кўрсатганлар бошқалардан кўра, кўп ҳақ олсин. Ана шунда тажрибали ходимларга эга бўласиз.

Яна бир тамаддихонага кириб, раҳбарига юқоридаги савол билан юзланганимизда “Хизматчиларни уришиб турмасангиз, кўзингизни шамғалат қилиб, иш сифатини тушириб юборишдан нарига ўтмайди”, дедию шошиб турганини билдириб биз билан хайрлашди. Шундан сўнг бу ерда ишлаётган ходимлар билан суҳбатлашиб кўрдик. Тахмин қилганимиздек, бу тамаддихонада ҳам раҳбар ва иш бошқарувчилар томонидан қўполлик ҳамда ҳурматсизлик тез-тез содир этилар экан. Бир нечта ходимнинг “Бошлиғимиздан гап эшитамиз”, дея интервью беришдан бош тортгани тахминимизни яна бир марта тасдиқлади.



Хўш, хавфсиз меҳнат ҳуқуқи камситилаётган бу каби муассасаларга қарши қандай чора кўриш керак? Ягона чора ёлланма меҳнатга оид қонунчилик қайта кўриб чиқилиши ҳамда назорат етарлича таъминланиши заруратидир. Ходимларга қўполлик ҳам унутиб, югуриб боради. Қисқаси, аксариятимизнинг бойкотимиз бирор чегирмагача”, дея фикр билдирди. Бироқ соғлом бозор муносабатларига асосланган мазкур анъана аста-секинлик билан бўлса-да, жамиятимизда ривожланиб бораётир.





“Дейлик, ходим иш жойида зўравонликка ёки ноҳақликка учради. Бу вазиятда қонунчилик уни қандай ҳимоя қилади?
— Меҳнат кодексига кўра, ходим иш жараёнида ҳаёти ва соғлиғига таҳдид соладиган ҳолатлар юзага келгани тўғрисида иш берувчини дарҳол хабардор қилиб, бундай ҳолатлар бартараф этилгунига қадар тегишли ишни бажаришни рад этишга ҳақли. Ана шу даврда ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланади, — дейди юрист Шаҳбоз Давронов.”



Европа мамлакатларида бойкот туфайли баъзи йирик компаниялар инқироз даражасига етиб келган. Ўн минглаб ишчи кучига ҳамда узоқ йиллик тажрибага эга компанияларни “омон қолдирмаган” бу услуб нисбатан кичик тадбиркорларни ўнглаб бўлмас оқибатларга дучор қилиши ҳам ҳақиқат.

Бунда тадбиркорлар, энг аввало, имижини йўқотиб, бозордаги мавқеидан айрила бошлайди. Молиявий йўқотишлар эса ишчилар сонини қисқартиришга мажбур қилади. Бу хизмат кўрсатиш сифати кескин тушиб кетишига, бора-бора муассаса бойкот қилмаган харидорлар учун ҳам хизмат кўрсата олмай қолишига олиб келади. Энди ҳаммаси равшан: инсофсиз тадбиркорнинг бизнесни тугатишдан бошқа чораси қолмайди. Компанияси бойкотга учраган тадбиркорлар фаолиятини тўхтатиб, бутунлай ўзга ном билан қайта иш бошлашга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам жаҳон амалиётида тадбиркорлиги қайта бойкотга учраган шахсларнинг ўзини бойкот қилиш анъанаси ҳам мавжуд. Бу дегани бир мартадан кўп бойкотга учраган тадбиркор юз хил ном билан фаолият бошласа-да, маҳсулотларидан воз кечилади.

Бойкот тадбиркорлар учун ўзига хос тарбиячи. Зора шундан кейин улар хатосини тузатса, зўравонлиги камайса, йигит-қизлар иш жойида ҳақорат эшитмасдан, аҳил-иноқ муҳитда бехавотир меҳнат қилса. Буларнинг барчаси сизу бизнинг бойкот масаласига муносабатимизга боғлиқ.

Қонунчилик нима дейди?

Дейлик, ходим иш жойида зўравонликка ёки ноҳақликка учради. Бу вазиятда қонунчилик уни қандай ҳимоя қилади?

— Меҳнат кодексига кўра, ходим иш жараёнида ҳаёти ва соғлиғига таҳдид соладиган ҳолатлар юзага келгани тўғрисида иш берувчини дарҳол хабардор қилиб, бундай ҳолатлар бартараф этилгунига қадар тегишли ишни бажаришни рад этишга ҳақли. Ана шу даврда ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланади, — дейди юрист Шаҳбоз Давронов.

Бу, албатта, қонуний меҳнат шартномаси асосида ишловчи ходимлар учун мўлжалланган. Бироқ ёлланма ёки ишбай асосида меҳнат қилувчи ходимларнинг ҳуқуқлари-чи? Мамлакатимиз қонунчилигида уларнинг ҳам ҳуқуқий хавфсизлиги кафолатлаб қўйилганми? Ахир биздаги кўпчилик хусусий тадбиркорлик субъектлари солиқ тўлашдан қочиб, доимий иш турлари учун ҳам ёлланма ишчилардан фойдаланади.

— Меҳнат кодексига кўра, давлат рўйхатидан ўтган якка тартибдаги тадбиркорлар банк ҳисобварағини очганидан кейин якка тартибдаги тадбиркор томонидан амалга ошириладиган фаолият турига қараб Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган миқдорда ёлланма ходимлар меҳнатидан фойдаланишга ҳақли, — дейди Шаҳбоз Давронов. — Якка тартибдаги тадбиркор томонидан ишга қабул қилинаётган шахс билан якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатлар юзага келишига ёзма шаклда тузиладиган меҳнат шартномаси асос бўлиши белгиланган. Демак, ёлланма меҳнат асосида ишлаётган ходим меҳнат ҳуқуқи топталса, ҳимояланиши учун ёзма шартнома бўлиши лозим. Шундагина унинг ҳуқуқлари, Меҳнат кодексида белгиланганидек, ходим ва якка тартибдаги тадбиркор ўртасидаги ўзаро келишув асосида тартибга солинмаган якка тартибдаги меҳнат низолари суд тартибида ҳал этилади.

Бундан англашиладики, меҳнат ҳуқуқингиз тўлиқ таъминланишини истасангиз, меҳнат қонунчилиги билан етарлича таниш бўлишингиз лозим. Ҳуқуқини яхши билган инсон талаб қилишни билади. Ҳаёти ва соғлиғини зўравонлик ҳамда тазйиқлардан ҳимоялайди. Зеро, ҳар бир инсон хавфсиз меҳнат қилиш ҳуқуқига эга.

Демак, ҳуқуқий жиҳатлар аниқ. Аммо психологияга етказилган зарар-чи? Бу каби ҳолатлар энди катта ҳаётга қадам қўяётган ёшларнинг руҳиятига қанчалик таъсир қилади? Улар келажакда ўз фикрини аниқ ифодалай олмайдиган, мустақил ҳаракат қилишга ботинолмайдиган шахсга айланиб қолмайдими? Шу саволлар билан таниқли психолог Шоира Исаковага мурожаат қилдик.

— Болаларимизда аввалбошданоқ ўзини ўзи ҳимоя қилиш рецепторларини шакллантиришимиз керак, — дейди руҳиятшунос. — Афсуски, тарбияда бунга доим ҳам эътибор беравермаймиз. Натижада улар зўравонлик ҳолатига учраса, ўзини ўзи ҳимоя қилишга қийналади, руҳий зўриқишга дуч келади, тортинчоқ бўлиб қолади. Хўш, иш жойида кўнгилсиз воқеага дуч келган ёшлар нима қилиши зарур? Аввало, улар ўзини янги жойларда, янги муҳитда синаб кўришлари лозим. Акс ҳолда, ўзига нисбатан ишончсизлик ҳамда “ҳеч кимга керак эмасман” деган тушунча шаклланиб қолиши мумкин. Шунингдек, биринчи навбатда, фарзандларимизни тарбиялаш жараёнида уларда бардошлилик, стрессли вазиятлардан чиқа олиш каби хусусиятларни шакллантиришга ҳам жиддий эътибор қаратишимиз лозим.

Шу ўринда эслатиб ўтамиз: иш жойингизда зўравонлик ҳолатларига дуч келсангиз, Давлат меҳнат инспекциясининг 1282 қисқа рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин.


Бу масаланинг бир томони. Аммо бошқа томондан иш берувчилар ва ёлланма ишчилар ўртасидаги қўрқув муҳитининг урчиб бориши жамиятда жиддий муаммоларни юзага келтиради, тараққиётимизга тушов бўлади.

Абдухалил Маврулов домланинг мақоласидан иқтибос келтириб, ахлоқий меъёрлар устуворлиги, жамоа бўлиб меҳнат қилишнинг маънавий жиҳатлари ҳақида сўз бошлаган эдик. Муаллиф бир ўринда бундай фикрни илгари суради: **“Агар ахлоқ ишламаса, жамиятдаги барча институт — ташкилотлар, жамоалар, оилалару бошқа ҳамма нарса зулматга юз тутади”,** дейди.

Бундан англашиладики, жамиятда иш берувчилар ва ходимлар ўртасидаги муносабат бевосита миллий тараққиёт учун хизмат қилади ёки аксинча.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, бугун ёш йигит-қизларни жамоада ҳақоратлайверсак, шаънини ерга урсак, эртага уларда жамиятга нафрат уйғонмайдими, қонунчиликка, ҳуқуқий, халқпарвар давлатчилигимизга ишончи сўнмайдими?! Бу эса, ўз навбатида, умумий таназзул манзарасини ҳосил қилмайдими?

Шу маънода, ёшларимиз, умуман, хусусий секторда ишлаётган катта ишчилар жамоасини маънавий жиҳатдан инқирозга етаклаётган айрим иш берувчиларнинг ҳамюртларимизга қўпол муомаласини ҳеч бир баҳона билан оқлаб бўлмайди.



Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллигига

БЎЙЛАРИНГГА

Махтумқули ғазалига мухаммас

Олам аҳли қилур роҳат қараб офат бўйларингга,
Бир офатда шунча роҳат-истироҳат бўйларингга.
Қанча розу риоят бор бериоят бўйларингга,
Юрсанг, ёрим, қувонаман сарвиқомат бўйларингга,
Гулдан либос ярашибдир соғ-саломат бўйларингга.

Сен бир гулсан, фасли баҳор ўсган жойи боғу гулзор,
Қай ерда бир гулзор бўлса — бир гул бору бир булбул зор,
Дилозормас, эй дилозор, сенинг номинг булбулозор,
Мен булбулга айлаб озор, ширин жоним олдинг нисор,
Зулайҳодан қолган зуннор бўлсин ҳожат бўйларингга.

Кўчиб борар чўнг карвоним, кўпдир чўлу биёбоним,
Еру кўк дону сомоним, менинг кўркли хиёбоним,
Фақат сен йўқсан, эй жоним, менинг сарви хиромоним,
Кўрсам ҳуснинг йўқ армоним, сенсиз хазон бўлсин жоним,
Толеим, диним, имоним — қилсам ҳурмат бўйларингга.

Кимлар куйиб адо бўлар, кимлар суйиб адо бўлар,
Менинг шеърим бу элларда мангу тинмас садо бўлар,
Изларингни излаб-йўқлаб юрган йўлим нидо бўлар,
Кўрган ошиқ фидо бўлар, эл-юртидан жудо бўлар,
Махтумқули гадо бўлар — хуш каромат бўйларингга.

Сирожиддин САЙИИД,
Ўзбекистон халқ шоири



Мамлакатимизда йилдан йилга янги, даврга хос сифатга эга тарихий ва замонавий фильмлар томошабинлар эътиборига ҳавола қилинмоқда. Бу соҳада ҳам сифат ва сон жиҳатидан улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Жараён



ЭКРАНГА КЎЧАЁТГАН “ТИРИК ТАРИХ”

ЁХУД “ЎЗБЕГИМ ДЕБ КЕНГ ЖАҲОНГА НЕ УЧУН МАДҲ ЭТМАЙИН!”

Мутахассислар замонавий ва тарихий образларни яратиш, инсонлар онгида эл-юрт ҳаётига оид залворли воқеаларни муҳрлашда кино санъати энг таъсирчан, энг самарали восита эканини таъкидлайди. Зотан, адабиёт ва тарихга, бадиий ижод ҳамда илмий тадқиқотларга таянган кино санъатида инсон тафаккурига таъсир этадиган бир неча муҳим омил уйғунлашади. Булар ҳаракатдаги тасвир, бадиий оҳангга йўғрилган овоз, воқелик моҳиятини теран англатадиган мусиқа ва қўшиқ. Қолаверса, кинематографиянинг ўзига хос “тили” саналган, воқеаларни ёрқин ифодалайдиган монтаж ишлари ҳам таъсирчанликни оширади.

Рустам БОЙТЎРА,
журналист

Буларнинг барчаси кинони энг оммавий санъат турига айлантирган. Дунё халқлари бир-бирининг тарихи, бугуни, санъати ва маданияти, ижтимоий ҳаёти билан энг кўп кино орқали танишмоқда.

Мамлакатимизда йилдан йилга янги, даврга хос сифатга эга тарихий ва замонавий фильмлар томошабинлар эътиборига ҳавола қилинмоқда. Бу соҳада ҳам сифат ва сон жиҳатидан улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

— Сўнгги йилларда миллий киномиз қайта “уйғонди”, десак тўғри бўлади. Юқори савияли, замонавий сифатли фильмлар пайдо бўлди. Бунинг учун сизларга миннатдорлик билдираман. Шу билан бирга, кинематографияни ривожлантириш учун яна нималар қилиш керак, деган савол мени ўйлантиради. Агар тарихимизни дунёга тараннум этмоқчи бўлсак, халқимизнинг миллий ғурурини кўтармоқчи бўлсак, буни биринчи навбатда кино ёрдамида амалга оширишимиз керак, — деган эди давлатимиз раҳбари жорий йил 16 май куни “Киночилар уйи”га ташрифи чоғида.

***

Соҳа мутасаддилари, режиссёр ва актёрлар, киношунослар билан мулоқот чоғида Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган лойиҳа — “Тирик тарих” дастуридаги фильмлар тақдимоти бўлиб ўтган эди. Орадан кўп ўтмай, давлатимиз раҳбарининг “Кинематография соҳасини янада ривожлантириш ҳамда мамлакатимиз тарихига бағишланган фильмлар туркумини яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Қарорда кинематографияни янги босқичга кўтариш назарда тутилган. Бунинг учун миллий давлатчилигимизнинг уч минг йилдан зиёд тарихини, буюк аждодларимиз илмий, маданий ва маънавий меросини акс эттирувчи туркум фильмлар ишлаб чиқиш қўллаб-қувватланади. Бу мақсадни амалга ошириш учун 2024-2027 йилларга мўлжалланган “Тирик тарих” фильмлар туркумини яратиш дастури тасдиқланган. Мазкур дастурга кўра, 54 та тарихий фильм ишлаш белгиланган.



Орадан кўп ўтмай, 21 та бадиий ва 33 та бадиий-публицистик фильмдан иборат улкан лойиҳани амалга ошириш ишлари бошлаб юборилди. Дастурдан ўрин олган фильмларнинг 18 таси халқаро ҳамкорликда суратга олинади. “Сакура ифори” (Япония), “Ўзбек арслони” (Беларусь), “Махтумқули” (Туркманистон), “Юлдузлар шуъласи: Жомий ва Навоий” (Тожикистон), “Фарҳод ва Ширин” ҳамда “Буюк ипак йўли” (Хитой), “Шаҳобиддин Маржоний” (Татаристон), “Мақсуд Шайхзода” ва “Мулла Насриддин” (Озарбайжон), “Тақдир уфқлари” (Корея Республикаси), “Бухоро марвариди”, “Сеҳрли кўза” ва “Ўзбекистон археологик ёдгорликлари” (Россия), “Клавихо” (Испания), “Ҳерман Вамбери ва мулла Исҳоқ” (Венгрия), “Худойберган Девонов ва немис меннонитлари” (Германия), “Туркистонлик баҳодирлар” (Туркия), “Помир тоғларидай юксак” (Қозоғистон) фильмлари шулар жумласидан. Бу фильмлар орқали шонли тарихимизни дунё бўйлаб тарғиб этиш, ёшларда маънавий-маърифий қадриятларни шакллантиришга ва ватанимиз тарихига ҳурмат-эътиборни кучайтириш мумкин.



— “Тирик тарих” туркумидаги фильмлар асрлар қаърига бориб тақаладиган шонли тарихимиз, жадид боболаримизнинг ибратли фаолияти, замон қаҳрамонларининг сиймоларини акс эттиришни талаб этади, — дейди Кинематография агентлигининг Кинолойиҳалар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи Жўрабек Рўзметов. — Бугун дастурдан ўрин олган “Абдулла Қодирий”, “Ўзбек арслони”, “Мулла Насриддин”, “Юлдузлар шуъласи: Жомий ва Навоий”, “Хива лангари”, “Ажиниёз”, “Сакура ифори” фильмларини тасвирга олиш ишлари бошланган.

агентлигининг Кинолойиҳалар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи Жўрабек Рўзметов. — Бугун дастурдан ўрин олган “Абдулла Қодирий”, “Ўзбек арслони”, “Мулла Насриддин”, “Юлдузлар шуъласи: Жомий ва Навоий”, “Хива лангари”, “Ажиниёз”, “Сакура ифори” фильмларини тасвирга олиш ишлари бошланган. Май ойида “Баҳодир Ялангтўш” фильмининг Тошкент ва Самарқандда катта тақдимоти бўлиб ўтди. Дастур доирасида яратилган илк фильмни томошабинлар катта қизиқиш билан кутиб олди. Шунингдек, “Махтумқули” ҳамда “Улуғ Амир ва донна Мария” фильмларини суратга олиш ишлари ҳам якунига етказилди. Яқин кунларда ушбу фильмларнинг катта намойишини ўтказиш режалаштирилган. Дастур асосида суратга олиниши лозим деб топилган мавзу ва тарихий шахслар кўлами кенг. Бу эса, табиийки, киночилардан адабиёт ва тарих бўйича пухта билим, бой маълумотга эга бўлишни талаб қилмоқда. Шу боис, тегишли низомга кўра, танлов эълон қилингунга қадар Фанлар академияси Тарих институти, Ёзувчилар уюшмаси, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети билан ҳамкорликда киноижодкорлар учун махсус ўқув курслари ташкил қилинди. Қизғин баҳс-мунозараларга бой машғулотларда маърузачилар тингловчиларни адабиёт ва тарих фани бўйича янги маълумотлар ҳамда янгиликлардан бохабар этди. Танлов шартлари ва муддати ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг тарғиб этилди. Муҳими, юртимиз тарихи, шонли ўтмишимизда ёрқин из қолдирган алломалар ҳаёти ва ижодини экранга олиб чиқишдек улкан вазифани соҳа мутахассислари шараф билан амалга оширишига ишонамиз.

***

Мазкур фильмлар фақат тарихий шахслар ёхуд озодлик курашлари ҳақида эмас. Лойиҳадаги мавзулар ранг-баранглиги тарихимизни янада кенг ва чуқур англаш имконини беради. Ислом динининг, аввало, маърифат улашувчи илоҳий таълимот экани ҳақидаги “Нур ва зиё”, “Хамса”нинг иккинчи достони асосида “Фарҳод ва Ширин”, Қорақалпоғистон ва Сурхон элининг қаҳрамонлик эпосига таянилган “Гулойим ва қирқ қиз”, ўтган асрнинг 30-йиллари охирида корейс миллатига мансуб минглаб кишиларнинг Ўзбекистонга кўчириб келингани ҳақидаги корейс ва ўзбек халқларининг дўстлигига бағишланган “Тақдир уфқлари” шулар жумласидан.

Тарихий шахслар ҳаёти ва ижодига оид фильмлар ҳам турли даврларни қамраб олган. Буюк ватандошимиз Муҳаммад Хоразмийнинг ҳаёти ва ижодидан ҳикоя қилувчи “Ал-Хоразмий”, Мирзо Улуғбек ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишланган “Мирзо Улуғбек”, Татаристоннинг Қозон шаҳри яқинидаги Япанчи қишлоғида таваллуд топган файласуф, илоҳиётчи ва маърифатпарвар Шаҳобиддин Маржонийнинг Бухоро, Самарқандда таҳсил олиши ва туркистонлик олиму уламолар билан яқиндан ҳамкорлиги ҳақидаги “Шаҳобиддин Маржоний”, озарбайжон ва ўзбек халқларининг буюк шоири, драматург, адабиётшунос ва забардаст таржимон Мақсуд Шайхзода ҳаёти ва ижоди бадиий тасвирланадиган “Мақсуд Шайхзода”, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, маданий тараққиётига катта ҳисса қўшган давлат арбоби ва адиб Шароф Рашидов ҳақидаги фильмлар лойиҳага киритилган. Шу билан бирга, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидовнинг сермазмун ҳаёти ва бетакрор ижодига бағишланган “Эркин Воҳидов”, миллий эстрада санъати асосчисининг серқирра ҳаёти ва ижодини акс эттирадиган “Ботир Зокиров” фильмлари ҳам кишида ҳаяжон, фахр уйғотади.

Булар қаторида “Усмон Носир”, “Навоийшунослар жасорати”, “Абдурауф Фитрат”, “Мунавварқори Абдурашидхонов”, “Убайдулла Хўжаев”, “Мадаминбек” каби фильмларни суратга олиш режалаштирилган.

Киночилар олдида қисқа муддатда кенг кўламли ва тарихий аҳамиятга эга лойиҳани амалга оширишдек масъулиятли ва шарафли вазифа турибди. Бу, ўз навбатида, миллий кинематографиянинг янги босқичини ва албатта, янги қиёфасини яратса, ажаб эмас. Экранга кўчаётган ўзига хос “Тирик тарих” лойиҳаси мозий зарварақларидан муносиб жой олади.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Kolorpak” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 3867
41157 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Мухтасар Тожимаматова
Мусаҳҳиҳ: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 21:20 Топширилди — 23:05